

Qo‘qon xonligi aholisi tarixiy manba va adabiyotlarda

Ruzmatova Shaxodat Abdukaxxarovna

Qo‘qon davlat universiteti, Tarix kafedrası

katta o‘qituvchisi, PhD. tel.: 90 566 88 81

Annotatsiya

Ushbu maqolada Qo‘qon xonligi hududida yashagan aholining etnik tarkibi, joylashuv o‘rni, mashg‘ulotlari to‘g‘risida mahalliy manbalar, arxiv ma‘lumotlari, chet el sayyoh va olimlarning asarlari, Rossiya imperiyasi davrida yozilgan to‘plam va nashrlar, qolaversa, sovet davri va mustaqillik yillarida nashr qilingan adabiyotlarda berilgan ma‘lumotlar keltirilgan. Asosan yirik etnoslar, ularning mamlakat siyosiy, ijtimoiy hayotida tutgan o‘rni, yashash hududlari va turmush tarzi to‘g‘risida ko‘plab ma‘lumotlar uchraydi. O‘zbek urug‘larining ushbu hududga kelib joylashish jarayonlari ham maqolada aks etgan.

Kalit so‘zlar: Muntaxab at-tavorix, Ansob as-salotin va tavorix al-havoqin, Tarixi Turkiston, Mir Izzat Ulla, Filipp Nazarov, Beysembiev T.K., Vohidov Sh.X., Anarbaev A., aymoq, raiyat, toifa, urug‘, elat, qabila, qavm, o‘troq, ko‘chmanchi, qirq, ming, yuz, qo‘ng‘irot, kenagas, qozoq, qoraqalpoq, qirg‘iz, tojik.

Население Кокандского ханства в исторических источниках и литературе

Рузматова Шаходат Абдукаххаровна

Кокандский государственный университет

Старший преподаватель кафедры Истории, PhD.

Тел.: 90 566 88 81

Аннотация

В данной статье использованы местные источники, архивные сведения, труды иностранных туристов и ученых, сборники и публикации, написанные во времена Российской империи, а также сведения, приведенные в литературе, изданной в советский период и годы независимости, об этническом составе, расположении и занятии населения, проживающего на территории Кокандского ханства. Имеется много информации об основных этнических группах, их роли в политической и общественной жизни страны, местах их проживания и образе жизни. В статье также отражены процессы прихода и расселения узбекских племен в этот регион.

Ключевые слова: Мунтахаб ат-таварих, Ансаб ас-салатин и таварих ал-хавокин, История Туркестана, Мир Иззет Улла, Филипп Назаров, Бейсембиев Т.К., Вахидов Ш.Х., Анарбаев А., аймак, раият, таифа, племя, народ, поселенец, кочевник, кирки, минги, юзы, кунграт, кенагас, казах, каракалпак, кыргыз, таджик.

1. Мавзунинг долзарблиги:

Фарғона водийси ўзининг табиий иқлими билан қадимдан инсонлар фаровон яшаши учун барча шароитларга эга бўлган ҳудуд ҳисобланган. Водийнинг текислик ҳудуди ирригацион тизимнинг ривожланиши учун жуда қулай, ҳудуднинг қуруқ ва иссиқ иқлими, сув манбаларининг етарли даражада эканлиги бу ерда, қадимдан, деҳқончилик ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб берган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотни тарихий манбалар ва адабиётлар асосида объективлик, тарихийлик, холислик, илмийлик ва замонавийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, тадқиқотни амалга оширишда қиёсий таҳлил, танқидий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Фарғона водийси[1: 192-б.]да яшаган халқлар тўғрисида маҳаллий манбалар, архив маълумотлари, чет эл сайёҳ ва олимларнинг асарлари, Россия империяси даврида ёзилган тўплам ва нашрлар, қолаверса, совет даври ва мустақиллик йилларида нашр қилинган адабиётлардан билиб олиш мумкин[2].

Манбаларни ўрганишда унинг яратилиш даврига алоҳида аҳамият бериш зарур. Масалан, Россия империяси даврида ўрганилган маълумотларда ўзбекларни Ўрта Осиёнинг турли бурчакларидан келиб қолган халқлар, айрим озчилиги Амир Темур давридаги ўзбекларнинг авлодларидан бўлиши мумкин дейилади. Яна ўзбек билан қирғиз бир халқ, қирғиз ташқи кўриниши билан қипчоқ ва қтой билан бир хил. Ўзбеклар Ўрта Осиёда яшовчи бошқа

халқлар билан аралашиб кетганидан юз тузилиши ўзгарган ва ҳозирда қирғиздан фарқ қилади[3: 115-б.], дейилади. Албатта, бу маълумотлар ҳақиқатдан анча йироқ эканлиги тарихдан яхши маълум. Ўзбек халқининг асл аجدодлари айнан Фарғона водийсида қадимги тош давридан буён истиқомат қилиб, инсониятнинг барча тараққиёт босқичларини босиб ўтганлигини бир қанча археолог олимлар (Ў.Исломов, А.Анорбоев ва б.) ўз тадқиқотларида[4: 84-б.] исботлаб берганлар.

Хонлик ҳудудида яшаган ўзбек уруғлари асарларда кўплаб лекин тарқоқ ҳолда учрайди. Тарихчи олим Ш.Махмудов Қўқон хонлиги тарихига оид манбалар ичида 92 ўзбек қавмининг рўйхати киритилган асарларни аниқлашга муваффақ бўлади. Булар: Аваз Муҳаммад Атторнинг “Тухфат ат-таворихи хоний” ҳамда Пўлотжон домулла Қайюмийнинг “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти” асарлари деб айтади[5: 72-б.]. Албатта бу уруғларнинг фақат маълум қисми хонлик ҳудудида яшаган.

Хонлик даврида яшаб ижод этган тарихчилар, ёзувчилар асарлари, жумладан «Мунтахаб ат-таворих» асари Қўқон хонлигидаги турли ўзбек уруғлари вакиллари минг, юз, қипчоқ, қирғиз, тожик, қозоқ, қорақалпоқ, қалмоқ каби ўзбек уруғларининг хонлик ҳудудида жойлашуви ва уларнинг хонлик сиёсий ҳаётидаги мавқеи ҳақида бир қанча маълумотларни беради.

«Ансоб ас-салотин ва таворих ал-ҳавоқин» асарининг муаллифи Мирзо Олим Мушриф эса Қўқон хонлигида кутубхона мудир лавозимида фаолият олиб борган бўлиб, ўз асарида хонлик ижтимоий, сиёсий ҳаётига оид кўплаб маълумотларни ёзиш жараёнида хонлик сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга ва таъсир доирасига эга бўлган ўзбек уруғлари тўғрисида ҳам маълумотлар бериб ўтади.

Қўқон хонлигида яшаган ўтроқ аҳолини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Хусусан, биринчидан, шаҳар ва қишлоқларда ўтроқ ҳаёт кечираётган, аллақачон қабилачилик анъаналаридан узилган ўзбеклар. Улар асосан туркий ва форсий тилли аҳолининг ассимиляцияси натижасида

шаклланган бўлиб, ҳудудда милоддан авалги I минг йиллик охиридан бошлаб яшаб келганлар. Иккинчидан, Муҳаммад Шайбонийхон(1500-1510й.) ҳукмронлиги ўрнатилмасдан ҳам олдинроқ келган туркий қабилалар вакиллари – яғмо, қарлук, чигил, ашпар, туркшар, чоғроқ, қавчин, жалойир, барлос, найман, қтой, минг, қирқ, чурас, қанғли, баҳрин, норин, тоғай, дуғлат, ўтарчи, арғин, билиқчи ва бошқалар. Учинчидан, XV аср охири – XVI аср бошларида Дашти Қипчоқ ҳудудларидан кириб келган уруғлар– қўнғирот, қиёт, қатағон, кенагас, манғит, марой, юз, қипчоқ ва бошқалар[6: 416-б.].

Хонлик тарихига оид манбаларда водий ҳудудида яшаган турли халқлар ҳақида атрофлича маълумот бериб ўтилган. XVIII – XIX асрларда Фарғона ҳудудида қирқ, минг, юз, кенагас ва бошқа қабилалар яшаган[7: 550-б.]. Шулардан бири минг сулоласи – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири ҳисобланиб, ҳозирги Самарқанд вилояти, қисман Фарғона водийси ҳамда Бухоро воҳасида, тарқоқ ҳолда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод, Денов туманларида, Хоразмда ва Тожикистоннинг Ҳисор туманида яшаганлар. Зарафшон водийсида яшовчи минглар учта йирик уруғга, бу уруғлар, ўз навбатида, яна бир қанча кичик уруғларга бўлинган. Жумладан, биринчиси - туғали (ахмат, чағир, тўйи намоз, оқшиқ ва б.), иккинчиси - боғлон (чибли, қора, мирза ва б.), учинчиси - увоқ тамғали (алғол, чаут, жайли, ўрамас, тўқнамоз, кию-хўжа, ярат) уруғларидир. Минглар бошқирдлар таркибига ҳам кирган. Қўқон хонлари минглардан бўлган. Бухоро воҳасида яшаган минглар ҳам Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Хонликдаги муҳим мансабларни мингларнинг беклари эгаллаб келган. Ўратепа ва Ургут беклари ҳам минглардан бўлган[7: 19-б.]. Минглар Муҳаммад Шайбонийхондан анча илгари Ўрта Осиё ҳудудларига келиб жойлашган туркий қавмлар (яғмо, чигил, жалойир, барлос, найман, минг, қирқ, қтой, баҳрин ва бошқалар) эканлиги бугунги кундаги манбаларда[6: 416-б.] ҳам эътироф этилади.

Кенагаслар ҳам ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири ҳисобланади. Ушбу қабилалар Хоразм, Бухоро вилояти, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон ва Шимолий Афғонистонда яшаган бўлиб, таркибида бир канча кичик қabila ва уруғлар бўлган. Булардан энг йириклари очамайли, кирей, абак, овоқли, тароқли, чуют, қайри соли ва бошқалар Шаҳрисабз ва Китоб атрофида ҳукмрон қабилла бўлган[7: 20-б.].

Хонлик ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган этник гуруҳлардан яна бири юз уруғидир. Улар тарқоқ ҳолда Самарқанд атрофида, Панжикентнинг жанубида, ҳозирги Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва асосан Хўжанд, Ўратепа ҳудудларида яшаганлар[7: 82-б.]. Қўқон хонлигида эса юз уруғи асосан хонлиkning Хўжанд вилоятида жойлашганлигини манбалардаги маълумотлардан билиб олиш мумкин. “Мунтахаб ат-таворих” асари муаллифининг ёзишича, юз уруғидан бўлган Оқбўтабий XVIII асрнинг 20-йилларида Хўжандда ҳоким бўлган. Ушбу маълумот ўз-ўзидан Хўжандда юз уруғининг мавқеи баланд бўлганлигини исботлайди. Бундан ташқари юзлар Ўратепа ва унинг атрофида ҳам асосий этник қатламни ташкил этган. “Тарихи Муҳожирон” асари муаллифи Дилшоди Барно “юз қабиласи”, “юз беклари” деб Ўратепа ҳудудининг юз уруғи вакиллари томонидан назорат қилинганлигини таъкидлайди. Юзлар Ўратепадан 1816 йилда Қўқон хони Умархон(1810-1822й.) томонидан Андижон ҳудудларига мажбуран кўчирилган бўлиб, кейинчалик улар Шаҳрихон шаҳрини барпо этганлар[8: 285а - варақ.]. XIX асрга оид рус манбалари ҳам хонлик таркибида бўлган Хўжанд ва Ўратепа вилоятида аҳолининг этник таркиби кўпроқ юз уруғи ҳамда *тожиклардан* иборат бўлганлигини тасдиқлайди[9: 176-б.].

Қирқ ва юз – ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан ҳисобланади. Қирқ уруғи кўпинча юзлар билан аралашган ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам кўпгина манбаларда “қирқ юз” номи билан ҳам маълум. Қирқ, юз ва минг қабилалари марқа[10] деган умумий ном билан аталган. Қирқларнинг этногенези Дашти Қипчоқ ўзбеклари билан боғлиқ бўлиб,

кирклар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари: оқ-қўйли, қора-қўйли, қора-сирак, қорача, олмаса-ун, чапарашли ва б. Улар XX асрнинг бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик билан, бир қисми тоғ ён бағрида, адирларда яшаб, лалмикор ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланишган[11: 115-б.]. Бундан кўринадики, ўрта асрларнинг сўнгги давларида ўтроқлаша бошлаган баъзи қабилалар XX аср бошларигача уруғ-қабилачилик анъаналарини сақлаб қолганлар.

4. Хулоса:

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, маҳаллий манбаларда хонлик аҳолиси, қавм ва қабилалар ҳақидаги маълумотлар жуда тарқоқ ҳолда келтирилган. Аммо шуниси аниқ бўлдики, бутун Ўрта Осиёдаги этномаданий фазо таркиби бир хил бўлган. Аҳоли жойлашуви субэтник ҳудудларда кўпроқ, уларнинг намояндалари бошқа жойларда сон жиҳатдан камроқ бўлган. Хонлиkning қозоқ жузлари билан бўлган чегарадош ҳудудларида қозоқлар, қирғиз-қипчоқлар билан қўшни ерларда шу элатнинг вакиллари, тубжойли тожиклар яшаётган ҳудудларда тожиклар билан бирга яшаган аҳоли етакчилиқ қилган. Маҳаллий муаррихлар эса кўпинча хонлик сиёсий тарихида рол ўйнаган етакчи қабилалардан минглар, манғит, қўнғирот, қипчоқ, ўзбеклар ҳақида кенгроқ маълумот берганлар. Бироқ, уларда ҳозирги давр илми талаб қиладиган маълумотлар, масалан, қабилалар сони, уларнинг таркиби, нима билан машғул эканликлари, жинсий таркиби ҳақида маълумот етарли даражада топиш мушкул. Шундай бўлса-да, маҳаллий тарихчилар асарларида учрайдиган ҳар қандай этник маълумот ўша давр мамлакат аҳолиси этник таркиби тўғрисида бизга аниқ маълумотларни беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Водийнинг текислик ҳудуди 22,2 км.кв, атрофидаги ўраб турган тоғлари билан ҳисоблаганда 80 минг км.кв.ни ташкил этади. Водийнинг узунлиги 300

км, энига 170 км.ни ташкил этади. Миддендорф. А.Ф. Очерки Ферганской долины. – Санкт Петербург, - С. 192. (The plain area of the valley is 22.2 sq km, including the surrounding mountains, it is 80 thousand sq km. The valley is 300 km long and 170 km wide. Middendorf. A.F. Essay Ferganskoy doliny. - St. Petersburg, - S. 192.)

2. Мирзо Қаландар Мушриф. Шоҳномаи нусратпаём. / Таржима ва изоҳлар муаллифлари Маҳмудов Ж., Отахонов Ф. / Ўзбекистон хрестоматияси. III жилд. XVI-XIX асрлар. – Тошкент: Фан ва технология, 2014. – С. 75-85; Муҳаммад Ҳакимхонтўра. Мунтахаб ут-таворих // ЎЗР ФА ШИ, қўлёзма, инв. №594; Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин / нашрга тайёрловчилар А. Матғозиев, М. Усмонова. –Тошкент, 1995. – 128 б. // ЎЗР ФА ШИ, қўлёзма, инв. №1314; Абу Убайдуллоҳ. Хулосат ул-аҳвол. // ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, инв. №2084; Муҳаммад Солиҳ Тошканди. Тарихи жадидаи Тошканд/ Муқаддима, нусхабадал, изоҳот Ш.Воҳидов. – Душанбе: Маориф, 2024. – 550 с.; Насабномаи ўзбек / Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (писменные памятники). Ташкент: Фан, 1985. – С. 129-131; Мулла Ниёз Муҳаммад. Ибратул-хавоқин (Тарихи Шоҳрухий)/ Тожик тиладан таржимон, ўзбек тилидан табдил, кириш ва эзоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: Турон замин зиё, 2014. – 700 с; Исҳоқхон Тўра Ибрат. Тарихи Фарғона / нашрга тайёрловчилар Ҳ. Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 268-327; // ЎЗР ФА ШИ, қўлёзма, инв. №11616; Мулло Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 250 б; Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих // ЎЗР ФА ШИ литографик нашр. Инв. №304; Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жахоннамои / форс-тожик тилидан Шодмон Воҳид таржимаси // Шарқ юлдузи. 1991.-№8. - Б. 119-137; Муҳаммад Умар Умидий Марғилоний Тарихчайи Туроний (Қўқон хонлиги тарихига оид чизгилар) / Табдил, кириш, изоҳлар ва факсимле нашри муаллифи т.ф.д. проф. Ш.Воҳидов. Иловалар Ш.Умаровники. – Тошкент,

2012. – 208+24 (факсимиле CCLXXXXIV). (Mirza Qalandar Mushrif. Shahnomayi Nusratpayom. / The authors of the translation and annotations are Mahmudov J., Otakhanov F. / Chrestomaty of Uzbekistan. Volume III. XVI-XIX centuries. - Tashkent: Science and Technology, 2014. - S. 75-85; Muhammad Hakimkhantora. Muntakhab ut-tavorikh // UzR FA ShI, manuscript, inv. #594; Mirza Olim Mushrif. Ansab us-salatin and tawarikh ul-khavoqin / prepared for publication by A. Matgaoziev, M. Usmanova. - Tashkent, 1995. - 128 p. // UzR FA ShI, manuscript, inv. #1314; Abu Ubaidullah. Summary of the situation. // UzR FA ShI manuscript, inv. #2084; Muhammad Salih Toshkandi. History of Tashkent / Introduction, copy, commentary Sh. Vahidov. - Dushanbe: Maarif, 2024. - 550 p.; Uzbek genealogy / Ahmedov B. Historical and geographical literature of Middle Asia XVI-XVIII centuries. (of written memory). Tashkent: Science, 1985. - S. 129-131; Mullah Niyaz Muhammad. Ibratul-khavoqin (History of Shahrukhi). / Translator from Tajik, translation from Uzbek, author of introduction and comments Sh. Vahidov. - Tashkent: Turon zamin ziya, 2014. - 700 p.; Ishaq Khan Tora Ibrat. History of Ferghana / prepared for publication by H. Bobobekov, Mahmud Hasani. - Tashkent: Kamalak, 1991. - B. 268-327; // UzR FA ShI, manuscript, inv. #11616; Mulla Olim Mahdum Haji. History of Turkestan. - Tashkent: New generation, 2009. - 250 p; Mahmud Hakim Yaifani. So, ut-tavorikh // lithographic edition of the FA ShI of the Russian Federation. Inv. #304; Awaz Mohammad Attar. History of the World / translated from Persian-Tajik by Shodmon Vahid // Eastern Star. 1991.-№8. - B. 119-137; Muhammed Umar Umidii Margilani Tarikhchayi Turani (Drawings on the history of the Khanate of Kokhan) / Author of translation, introduction, comments and facsimile edition Ph.D. prof. Sh. Vahidov. Appendices by Sh. Umarov. - Tashkent, 2012. - 208+24 (facsimile CCLXXXXIV)).
3. Туркестанские ведомости. 1871. № 29. – С. 115. (Turkestanskies vedomosti. 1871. No. 29. - S. 115.)

4. Анарбаев А., Сайфуллаев Б., Саидов М. Археологические исследования в г. Коканде и его окрестностях. – Самарканд, 2014. – С. 84. (Anarbaev A., Sayfullaev B., Saidov M. Arkheologicheskie issledovaniya v g. Kokande i ego okrestnostyakh. - Samarkand, 2014. - S. 84.)
5. Султонова Г., Аллаева Н., Махмудов Ш. Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи ва минтақада юз берган демографик жараёнларнинг манбаларда акс этиши (XVI-XIX аср биринчи ярми). – Тошкент: Янги нашр, 2011. – Б. 72. (Sultonova G., Allaeva N., Mahmudov Sh. Ethnic history of the peoples of Central Asia and demographic processes in the region are reflected in the sources (XVI-XIX centuries). - Tashkent: New edition, 2011. - B. 72.)
6. История Узбекистана. – Тошкент: Фан, 2012. – С. 416. (History of Uzbekistan. - Tashkent: Science, 2012. - S. 416.)
7. Муҳаммадхакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 550 б. (Muhammadkhakimkhan Tora. Excellent at-Tawarikh. - Tashkent: New age generation, 2010. - 550 p.)
8. Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ат-таворих ... 285а - варақ. (Muhammad Hakim Khan. Muntahab al-Tawarikh ... 285a - sheet.)
9. Обзорение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки Императорского Русского Географического общества, Спб.: 1849. Кн. III. 176-стр. (Obozrenie Kokandskogo khanstva v nyneshnem ego sostoyanii // Zapiski Imperatorskogo Russkogo Geograficheskogo obshchestva, Spb.: 1849. Kn. III. 176-str.)
10. Марқа-қирқ, юз, минг қабилаларининг умумий номи. Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Қ” ҳарфи. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти. – Б. 155; Туркестанские ведомости. 1871, №29. – С. 116. (The general name of Marka-kirky, hundred, thousand tribes. See: National Encyclopedia of Uzbekistan. The letter "Q". - Tashkent: State Scientific Publishing House. - B. 155; Turkestan newspaper. 1871, #29. - S. 116.)